

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 339.439.4*

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**РАЖАБОВ ОРЗУ ОРИФ ЎҒЛИ**

**Хўжалик субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг  
турларини диверсификация қилиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти  
бўйича ички имкониятларни аниқлаш**

**5A230102– “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
бўйича**

**Магистр**  
**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: PhD, доцент М. Юсупов**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Ушбу магистрлик диссертациясининг янгилиги, жаҳон бозорларида рақобатда маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичлари назарий жиҳат тизимга келтирилгани, жаҳон бозорларининг хусусиятларини, конъюнктураси товар ва жугрофий таркибини таҳлил этиш орқали бу бозорларга кириб бориш имкониятларига баҳо берилгани, маҳсулотларни экспорт қилиш стратегияси ишлаб чиқиш ва маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, экспорт диверсификациялаш, уни тартиби ва босқичлари таҳлил этилиб тизимга келтирилгани, Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозорлари рақобат устунликлари ва заиф томонлари, имкониятлари ва хатарлари SWOT таҳлилини, уларга илмий асосда баҳо берилгани, маҳсулот турлари ва географияси диверсификациялаш орқали экспорт имкониятларини ошириш йўллари бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилгани, маҳсулотларни экспортга тайёрлаш сертификатлаш, логистика тизимлари ва экспорт каналларини ривожлантириш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилганида намоён бўлган.

The novelty of this master's dissertation is the theoretical systematization of indicators of competition and competitiveness of products in world markets, assessment of opportunities to enter these markets by analyzing the characteristics, conjuncture of commodity and geographical composition of world markets, developing export strategy and preparing products for export. Diversification, its order and stages are analyzed and systematized, competitive advantages and weaknesses, opportunities and risks of Uzbek fruit and vegetable products in world markets are analyzed and evaluated on a scientific basis, conclusions on ways to increase export opportunities through diversification of product types and geography and recommendations were reflected in the development of conclusions and recommendations on the preparation of products for export, certification and development of logistics systems and export channels.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси дастлабки ҳимоядан ўтган. 07 - сонли баённома “ 9 ” 06 2020 й.

Илмий раҳбар: PhD, доцент. М.Юсупов  
Тақризчи:

Магистр: О. Ражабов

“Ҳимояга руҳсат этилади”  
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси  
муdiri доц. И.Хотамов  
“ 11 ” “ 06 ” 2020 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида  
2020 йил “ 23 ” 06 соат “ 14:00 ” да бўлади.

## Мундарижа:

|                                                                                                                                                                        |           |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Кириш .....                                                                                                                                                            | 4         |
| <b>I Боб. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг турларини диверсификация қилиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти бўйича ички имкониятларни аниқлашнинг назарий асослари.....</b> | <b>10</b> |
| 1.1. Экспорт тушунчасининг моҳияти, зарурияти ва уни ривожлантиришда диверсификациялашнинг аҳамияти.....                                                               | 10        |
| 1.2. Жаҳон бозорларида маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва уни баҳолаш усуллари.....                                                                                  | 21        |
| Биринчи боб бўйича хулосалар.....                                                                                                                                      | 33        |
| <b>II Боб. Маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспорт қилишнинг ҳозирги ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....</b>                                             | <b>34</b> |
| 2.1. Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти ва асосий турдаги маҳсулотларни экспортга чиқариш дигнамикаси таҳлили.....                                          | 34        |
| 2.2. Республикадан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....                                                    | 41        |
| 2.3. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга тайёрлаш ҳамда экспортни амалга оширишнинг амалдаги тартиби.....                                                           | 50        |
| Иккинчи боб бўйича хулосалар.....                                                                                                                                      | 63        |
| <b>III Боб. Диверсификациялаш асосида хўжаликларнинг маҳсулотлар экспорти бўйича ички имкониятларини мустаҳкамлаш йўллари.....</b>                                     | <b>65</b> |
| 3.1. Маҳсулот турлари ва географиясини диверсификациялаш орқали экспорт имкониятларини ошириш йўллари.....                                                             | 65        |
| 3.2. Маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, сертификатлаш, логистика тизимлари ва экспорт каналларини ривожлантириш.....                                                    | 75        |
| Учинчи боб бўйича хулосалар.....                                                                                                                                       | 87        |
| Хулоса ва таклифлар .....                                                                                                                                              | 88        |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....                                                                                                                                 | 92        |

## Кириш

**Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Республикамиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда реал сектор тармоқларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатимизнинг ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса хўжалик субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг турларини диверсификация қилиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти бўйича ички имкониятларни кенг сафарбар этиш масаласи долзарб масалалардан саналади.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, ташқи бозорларга чиқиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Маҳсулотларни экспорт қилиш борасида халқаро интеграциялашув жараёнларининг кучайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан жаҳон бозорларига кириб бориш учун маълум бир билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборот каналларига эга бўлишни талаб этади. Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш